

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШДА ЮЗАГА КЕЛУВЧИ РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Султанов Рустам Бегдуллаевич,
ТДИУ мустақил изланувчиси
E-mail: 777rust@mail.ru

Аннотация: Мақолада инвестицион лойиҳаларни молиялашда юзага келадиган банк рискларини бошқаришнинг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Рискларни бошқаришнинг жорий ҳолати таҳлил этилиб, мавжуд амалиётни янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Аннотация: В статье рассматриваются теоретические и практические аспекты управления рисками инвестиционных проектов в банках. Проанализированы текущие данные по управлению рисками и сделаны рекомендации по дальнейшему совершенствованию практики управления рисками.

Annotation: The article deals with theoretical and practical aspects of risk management of investment projects in banks. Current data of risk management has been analyzed and recommendations have been made for further improvement of risk management practice.

Калит сўзлар: инвестицион лойиҳа, риск, даромад, «Фавқуллоддаги риск», сифат кўрсаткичлари, риск-менежмент, лойиҳа мониторинги.

Кириш

Ҳозирги кунда мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантиришни таъминлашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида халқаро молия институтлари ва донор мамлакатлар маблағларини фаол жалб этиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур чора-тадбирлар доирасида «иқтисодий жиҳатдан асослантилган инвестиция лойиҳаларини уларнинг молиялаштириш манбалари аниқ белгиланган ҳолда самарали амалга оширилишини таъминлайдиган, шунингдек, уларни амалга ошириш бўйича маблағларнинг нооқилона сарфланишини истисно этадиган, мамлакатни ривожлантириш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг сифат жиҳатдан янги тартиби жорий этилди»[1].

Яқин ўрта муддатли истиқболда корхоналарни модернизациялаш бўйича кутилаётган эҳтиёжлар ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётининг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, яқин йилларда банк тизими жами кредит портфелида инвестицион кредитларнинг янада ўсишини кутиш мумкин. Бу эса, тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларни молиялашда банк рискларини бошқариш заруратини юзага келтиради ва долзарблигини оширади.

Алоҳида таъкидлаш ўринлики, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш банкнинг юқори рискли фаолияти ҳисобланиб, бу турдаги рискларни бошқариш мураккаб ва кўп поғонали жараён ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш билан шуғулланувчи тижорат банклари рискни бошқариш мақсадида риск-менежмент жараёнига кўмаклашувчи ўзига хос моделларни шакллантиришлари муҳим аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Иқтисодчи олим Н.Симонянц тижорат банкларининг инвестицион фаолияти сифатида «универсал ва ихтисослашган тижорат банкларининг кредит ва улуш асосида инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга, бирламчи бозорда қимматли қоғозларнинг эмиссиясини ташкил этиш ва жойлаштиришга, активларни бошқаришга, инвестицион компанияни бошқаришга, кўчмас мулк билан битимларни амалга оширишга, консальтинг-таҳлилий ва брокер-дилерлик операцияларига қаратилган фаолиятни эътироф этади»[2].

Шунингдек, А.Наряна томонидан олиб борилган тадқиқотларда тижорат банклари инвестицион фаолиятида риск-менежмент жараёнлари қўйидаги босқичларда амалга оширилиши келтириб ўтилган: яъни, рискнинг моҳиятини аниқлаш ва таҳлил қилиш; риск билан боғлиқ йўқотишларни баҳолаш ва ҳисоблаш; рискларни бошқариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, рискни бошқариш билан шуғулланувчи мансабдор шахсларнинг ваколати орқали рискни камайтириш; рискларни бошқариш бўйича тақдим этилган ҳисоботларни белгиланган мезон ва қоидаларга мувофиқ тайёрланганлигини назорат қилиш; риск даражасига қараб даромад олиш (юқори риск юқори даромад, кам риск кам даромад). Риск билан даромадни мувофиқлаштириш[3].

Бундан ташқари, хорижлик иқтисодчи олимлардан П.Роуз банк rischi тушунчасига нисбатан кенгроқ ёндашади ва уни асосий 6 та турдаги рискдан, яъни кредит rischi, фойда ололмаслик rischi, ликвидлилик rischi, бозор rischi, фоиз rischi, тўлай олмаслик riskидан ташкил топишини таъкидлайди. Шунингдек, П.Роуз юқоридаги олтита рискларга банк фаолиятида жуда муҳим, ҳал қилувчи рисклар сифатида, сиёсий риск ҳамда валюта riskига эса банк учун иккинчи даражали аҳамиятга эга рисклар сифатида қарайди[4].

А.Шапкин тижорат банклари инвестицион фаолиятида юзага келадиган «Фавқулоддаги риск» сифатида қарз олувчининг барча мол-мулк қийматига тенг ёки ундан ортиқ миқдорда йўқотиш хавфи билан тавсифланадиган рискни тавсифлайди. Унинг фикрича, одатда «Фавқулоддаги риск» корхонанинг банкротликка ва тўлиқ тўлов қобилиятини йўқотишга олиб келади, чунки мазкур ҳолатда нафақат лойиҳага киритилган барча маблағларни, балки унинг мол-мулкани ҳам йўқотиш хавфи юзага келади[5].

Банк rischi тушунчаси Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ш.Абдуллаева томонидан ҳам тадқиқ этилган. Ш.Абдуллаеванинг таъкидлашича, «банк rischi – бу банк фаолиятини амалга ошириш жараёнида банк маблағларининг бир қисмини йўқотиш, ёки даромад ололмаслик шароитида ижобий натижага умид қилиб, банк операцияларини (депозит, кредит, инвестиция, валюта) ўтказишдир»[6].

Шунингдек, Д.Нафасов томонидан банк riskлари тушунчасига нисбатан қўйидагича ёндашув илгари сурилган: «Халқаро банк амалиётида рисклар билан боғлиқ муносабатлар асосан актив операциялар жараёнида рўй беради. Бироқ, таъкидлаш жоизки, тижорат банкларининг барча актив операциялари риск билан боғлиқ бўлмайди. Хусусан, тижорат банкларининг riskка боғлиқ бўлган асосий актив операциялари сифатида кредит ва инвестиция операцияларини таъкидлаш мақсадга мувофиқ. Банкларнинг ушбу актив операциялари юқори даражада riskка боғлиқлигининг боиси, банклар ушбу операциялар орқали ўзининг даромадларини

шакллантиради»[7].

Д.Исмаилов ўз тадқиқотларида тижорат банкларининг инвестицияларни молиялаш усулларини рискни камайтириш орқали янада такомиллаштириш борасида «илмий янгилик ва кашфиётларга асосланган юқори технологик лойиҳаларни амалга ошириш одатда юқори даражадаги рискларга эга бўлганлиги сабабли, шунингдек республикамизда венчурли молиялашга талаб юқори бўлиб, ушбу рискли инвестициялаш усули ривожланмаганлиги туфайли мазкур муаммони ижобий ҳал этиш учун хорижий венчур фондларини фаол жалб этиш зарур»[8] эканлигини таъкидлайди.

Юқорида номлари келтириб ўтилган иқтисодчи олимлар томонидан банк rischi хусусан, инвестиция лойиҳаларини молиялашда юзага келадиган банк рискларининг айрим жиҳатлари тадқиқ этилиб, бу борадаги муаллифлик ёндашувлари илгари сурилган. Аммо, инвестицион лойиҳаларни молиялашда юзага келувчи банк рискларини бошқариш ва унга таъсир этувчи омиллар яхлит тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган. Бу эса, мазкур тадқиқотнинг мақсади ва ўзига хос жиҳатларини белгилаб беради.

Тадқиқот методологияси

Хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг мавзуга доир ёндашув ва қарашларини тадқиқ этиш ҳамда уларга нисбатан муаллифлик муносабатини билдириш асосида мақоланинг назарий-услубий жиҳатлари, шунингдек, бугунги кунда халқаро ва республика миқёсида инвестицион лойиҳаларни молиялашда юзага келадиган банк рискларини бошқариш амалиётидаги рискни бошқариш билан боғлиқ устувор жиҳатларни таҳлил қилиш асосида мақоланинг амалий жиҳатлари шакллантирилди. Мазкур тадқиқотни амалга оширишда қиёсий баҳолаш ва илмий абстракциялаш, тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Назарий жиҳатлар. Инвестицион лойиҳа – корхона томонидан қўйилган мақсадга эришиш учун унга молия капиталини самарали қўйишни амалга ошириш мақсадида ташкил этилаётган ташкилий-иқтисодий қарорлар тизимидир. Лойиҳаларнинг шакли ва мазмуни турли хил бўлиши мумкин – яъни, янги корхонани қуришдан кўчмас мулкни харид қилишгача.

Ҳозирги кунда халқаро миқёсда шаклланган тенденциялар Ўзбекистон банклари учун янги, замонавий-инновацион имкониятлар бериши баробарида муайян рискларни юзага келишига ҳам олиб келади. Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш риск омилларининг юзага келиши мумкинлиги билан, яъни лойиҳа олдида қўйилган мақсадларга тўлиқ ёки қисман эриша олмаслик мумкин бўлган риск билан боғлиқдир. Жумладан, қуйидагилар инвестицион кредитлаш амалиётини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатувчи асосий омиллар ҳисобланади:

– корхоналарнинг кредитни тўлай олиш қобилияти етарли даражада эмаслиги, бу эса кўпинча амалдаги бошқарув тизимининг сифати талаб даражасида эмаслиги билан изоҳланади;

– мамлакатдаги валюта курси сиёсатининг жорий ҳолати. Валюта курси режимининг талаб ва таклиф асосида курс шаклланишига асосланганлиги;

– мамлакатдаги инфляцион кутилмалар даражасининг мақсадли кўрсаткичлар доирасида бўлишни таъминлаш мақсадида қайта молиялаш ставкасининг ўзгартирилиши;

– тижорат банкларида корхоналарнинг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш бўйича замонавий, ишончли механизмларнинг йўқлиги;

– инвестицион кредитлашдаги рисклар даражасининг юқорилиги;

– саноат корхоналари мутахассисларида инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда сифатли бизнес-режаларни тайёрлаш кўникмаларининг мавжуд эмаслиги;

– маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларга бўлган талабнинг етарли даражада эмаслиги;

– инфляция суръати ва бошқа салбий ҳолатларни тўлиқ ҳисобга олишга тўсқинлик қилувчи қонунчилик базасидаги камчиликлар.

Банкнинг инвестицион молиялаш фаолияти объекти – иқтисодиётнинг реал сектори корхоналаридаги ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ёки модернизациялаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки ишлаб чиқариш хавфсизлигини ошириш ҳамда қўшимча ишлаб чиқариш қувватларини харид қилиш билан боғлиқ инвестицион лойиҳалардир.

Қуйидагилар инвестиция фаолияти субъектлари (инвесторлар ва инвестиция фаолияти иштирокчилари) бўлиши мумкин:

– Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (жисмоний шахслар), Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахслар;

– давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;

– чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари, халқаро ташкилотлар ҳамда чет эллик юридик шахслар ва фуқаролар, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар[9].


Инвестицион лойиҳаларни кредитлашда банк рискларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш учун банк rischi тушунчасининг моҳиятини янада кенгроқ очиб бериш ҳамда реал инвестициялаш бўйича кредит операцияларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш лозим бўлади.

Амалга оширилган илмий ўрганишлар натижасидан маълум бўлдики, мамлакатимизда банк рискларини бошқариш амалиёти узоқ тарихга эга эмас. Бизга маълумки, мамлакатимиз истиқлолга эришгунга қадар аксарият тижорат банкларининг давлат мулки асосида ташкил қилинганлиги, шунингдек, ўз фаолиятини асосан давлат корхона ва ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширганлиги сабабли банкларда риск муаммоси муҳим тарзда юзага келмаган. Замонавий банк мустақил банк тизимининг шаклланиши, банк тизимида хусусий ва акциядорлик тижорат банкларининг ташкил этилиши банклар фаолиятини халқаро миқёсда интеграциялашувига кенг йўл очиб берди. Бу эса, банк операциялари ва хизматлари самарадорлигига салбий таъсир этувчи омиллар хусусан, инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда юзага келадиган банк рисклари омилига алоҳида эътибор қаратиш заруратини келтириб чиқарди.

Амалий жиҳатлар. Иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, инновацион ва энергияни тежайдиган технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, жаҳон бозорида талаб мавжуд бўлган янги

турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва шу орқали мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашда банк тизими томонидан олиб борилаётган инвестицион сиёсат ўз самарасини бермоқда.

Хусусан, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, замонавий технология асосида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадига тижорат банклари томонидан 2018 йилнинг 1 август ҳолатига 20,1 трлн. сўм ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 баробарга кўп инвестицион кредитлар ажратилди (1-расм)[10].



Изоҳ: * - 2018 йил маълумотлари 1 август ҳолатига.

1-расм. 2012-2018 йилларда тижорат банклари томонидан ажратилган инвестицион кредитлар ҳажми ва ўсиш тенденцияси¹

Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, тижорат банкларининг инвестицион кредитлари ҳажми 2018 йил 1 августга келиб 2012 йилга нисбатан салкам 3,5 баробарга ошган. Шу ўринда масаланинг муҳим жиҳатига эътибор қаратиш зарурдир. Жумладан, инвестицион кредитларнинг миқдорий кўрсаткичлари йиллик ҳисобда мунтазам ошиб бормоқда. Аммо, инвестицион кредитларнинг йиллик ўсиш суръатлари кескин тебранувчанлик характериغا эгадир. Хусусан, 2012-2014 йилларда инвестицион кредитларнинг ўсиш суръатлари 31,8 фоиздан 18,1 фоизга кескин пасайди. 2014-2017 йилларда эса ўсиш тенденцияларида кескин ўзгариш деярли кузатилмади. Алоҳида таъкидлаш ўринлики, 2018 йилда бу борада жадал ўсишга эришилди. Биргина 2018 йилнинг дастлабки етти ойида тижорат банкларининг инвестицион кредитлари ҳажми 39,6 фоизга ошди.

Бу аввало 2018 йил учун банклар томонидан пухта ўйлаб ишлаб чиқилган инвестиция сиёсатидаги устувор вазифалар ижросини самарали таъминлаш натижасидир. Зеро, «тижорат банкларининг инвестицион сиёсати инвестицион фаолиятнинг мақсадли мўлжаллари тизимини ташкил этиш ва мазкур мақсадларга эришиш усулларини танлашни кўзда тутиб, инвестицион активларнинг мувофиқ


¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти (www.cbu.uz) маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

таркиби ва ҳажмини таъминлаш, рискнинг мақбул даражасида активлар даромадлигини оширишга йўналтиради»[11]. Шундан келиб чиқиб, 2018 йилда банкларнинг инвестициявий фаолияти устувор равишда тармоқларни ривожлантириш, маҳаллийлаштириш ва ҳудудларни ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштиришни таъминлашга қаратилди.

Тижорат банклари томонидан асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича улушини кўриб чиқадиган бўлсак, бунда тоғ-кон саноати ҳамда турар жой бинолари қурилишига ажратилган инвестицион маблағлар ҳажми юқори салмоққа эга эканлигини кўриш мумкин (2-расм).

2-расм маълумотларидан кўринадики, асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 22 фоизи ёки 5,7 трлн. сўми тоғ-кон саноатига йўналтирилган. Шунингдек, бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари: турар жой бинолари қурилишига ажратилган инвестициялар ҳажми инвестицияларнинг 20 фоизини ёки 5,2 трлн. сўми ташкил этган.

Шу ўринда, тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялашда лойиҳанинг қуйидаги сифат кўрсаткичларига, яъни дисконтлаш ставкаси, сарфланадиган маблағларни қоплаш муддати, қайтариб беришнинг дисконтлашган муддати, рентабелликнинг ўртача нормаси, лойиҳадан келадиган соф даромад, даромадлар индекси, рентабелликнинг ички фойда нормаси ҳамда модификациялашган ички фойда нормасига алоҳида эътибор қаратилиши лойиҳа ҳаётийлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Яъни, инвестицион лойиҳа сифат кўрсаткичларининг юқори самарадорликка эга бўлиши кўриб чиқиладиган инвестицион лойиҳанинг сифатлилигидан далолат беради.



2-расм. Тижорат банклари томонидан асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимооти. 2017 йил 1 июль ҳолатига, фоизда²

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти (www.stat.uz) маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда тижорат банкларининг иқтисодиёт тармоқларига инвестицион маблағларни йўналтириш фаолиятини янада ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда қуйидаги жиҳатлар муҳим аҳамият касб этади:

– республика иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига инвестициялар киритиш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш, республикада инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган хорижий инвестициялар жалб қилиш сиёсатини амалга ошириш борасидаги чора-тадбирларнинг рағбатлантирилиши;

– тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикасининг йиллик Инвестиция дастурлари ва ҳудудий инвестиция дастурларини, жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни молиялашда, молиялашдан кейинги жараёнлар мониторингида иштирок этишда, хорижий инвестициялар, кредитлар ва молиявий-техник кўмаклашишга қаратилган маблағларни жалб этишда фаоллик қилиши ва ташаббус кўрсатиши;

– инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини тизимли назорат қилиш, шунингдек, инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари қандай бажарилаётганини таҳлил қилиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўриш асосида мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

Хулоса ва таклифлар

Тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда рискни бошқариш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Инвестицион лойиҳани молиялашга келиб тушган ариза бўйича тизимли ёндашув, яъни инвестицион маблағлардан фойдаланиш устидан дастлабки назоратни тўғри ва мукамал амалга ошириш, бунда биринчи навбатда, миқдорнинг характерига, унинг молиявий аҳволига, ушбу соҳадаги тажрибасига ҳамда лойиҳанинг сифат кўрсаткичлари ҳолатига алоҳида эътибор бериш лозим.

2. Инвестицион лойиҳа молиялаштирилгандан кейинги даврда лойиҳа бўйича амалга оширилаётган ишларни, лойиҳага ажратилаётган маблағлар мақсадли сарфини доимий равишда таҳлил қилиб бориш, лойиҳа ишга тушурилгандан сўнг даромадлар киримини ўз муддатида амалга оширилиши, муддати ўтган дебиторлик-кредиторлик қарздорликларига йўл қўймаслик чораларини кўриб бориш.

3. Инвестицион лойиҳаларни молиялашда юзага келадиган банк рискларини бошқаришни микродаража ва макродаражада кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Банк рисклари бошқарувининг микродаражадаги аҳамияти сифатида тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминланганлиги, банкларнинг аҳоли ва миқдорлар олдидаги мажбуриятларини тўлиқ бажариш имкониятини бериши ва уларнинг ишончи мустаҳкамланганлигини, банкларнинг иқтисодий жиҳатдан тегишли иқтисодий манфаатдорликни олиши ва кўплаб бошқа жиҳатларни келтириш мумкин.

4. Банк рискларини бошқаришнинг макродаражадаги аҳамияти сифатида мамлакат миллий иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлаш ва иқтисодий ўсишга

банк тизимининг ижобий таъсири, миллий валютанинг харид қобилиятини мустаҳкамланиши ва инфляциянинг мақсадли кўрсаткичлари таъминланганлиги, мамлакат савдо ва тўлов балансида ижобий қолдиқнинг вужудга келиши каби ҳолатларни келтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, инвестицион лойиҳаларни молиялашда банк рисклари ва уларни бошқариш жуда кўп қиррали жараён бўлиб, ушбу жараённинг самарали йўлга қўйилиши тижорат банклари томонидан молияланган инвестицион лойиҳа ҳаётлиги ва самарадорлигини таъминлаш, бунинг натижасида тижорат банкларининг фоизли даромадлари даражасини ошириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 июндаги «Халқаро молия институтлари ва донор мамлакатлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини бошқариш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3796-сонли қарори. ҚҲММБ: 07/18/3796/1379-сон. 2018 й. 22.06.

2. Миркин Я. М. Рынок ценных бумаг: учеб. пособие. М., 2002. –с. 56-57.

3. Narayana A., Mahadeva K. Risk Management in Banking Sector - An Empirical Study / Imperial Journal of Interdisciplinary Research (IJIR). Vol-2, Issue-8, 2016. P. 1219. ISSN: 2454-1362, <http://www.onlinejournal.in>

4. Роуз П.С. Банковский менеджмент. М.: Дело, 1995.

5. Шапкин А.С., Шапкин В.А. Теория риска и моделирование рискованных ситуаций. Учебник.-2-ое изд. М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К». 2007. – С. 46-50.

6. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Т.: Молия, 2002.

7. Нафасов Д.Б. Банк рискларини бошқаришнинг иқтисодий мазмуни ва аҳамияти. Иқтисодиёт ва таълим. 2017 й. 1-сон., 15-б.

8. Исмаилов Д.А. Инвестиция фаолиятини молиявий бошқариш усулларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертация автореферати. Тошкент 2018 й. 19-б.

9. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.07.2018 й., 03/18/488/1579-сон

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти (www.cbu.uz)

11. Игамбердиев С.Х. Инвестицион банklar фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертация автореферати. Тошкент 2018 й. 26-б.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти (www.stat.uz)